

«Ақийдатут-Таҳовия»нинг шарҳлари | Ақийда дарслари (261-дарс)



19:00 / 22 январь 1283

«Ақийдатут-Таҳовия»ни кўпгина улуғ уламолар шарҳ қилганлар. «Кашфуз-Зунун» китоби соҳиби улардан еттитасини санаб ўтган. Уларнинг барчалари ҳанафий мазҳабида бўлишган.

1. Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абул Изз Ҳанафий. У киши ҳақида ҳозиргина гапириб ўтдик. Бу шарҳ «Аллоҳга ҳамд бўлсин. Биз Ундангина ёрдам сўраймиз. Ундангина мағфират сўраймиз», деб бошланади. Бу шарҳ энг гўзал, энг осон, энг мукаммал, тадқиқот борасида энг жамловчи ва услуб тарафидан энг манфаатли шарҳлардандир.

2. Маҳмуд ибн Аҳмад Ҳанафий Қуннавий шарҳи. У ҳижрий 770 санада вафот этган. У киши шарҳини «Комил сомадийяти ила ягона бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб бошлаган.

3. Ҳанафий фақиҳи Мавло Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ. У ўз шарҳини: «Бизни ушбу динга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», деб бошлаган.

4. Шужоъиддин Ҳибатуллоҳ Туркистоний (ҳижрий 736 санада вафот этган.)

5. Нажмиддин ибн Бакрийс (туркча шарҳ) ҳижрий 952 санада вафот этган.)

6. Қози Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ҳиндий Ҳанафий (ҳижрий 733 санада вафот этган.)

7. Мавло Кофий Ҳасан Буснавий Ақхисорий (ҳижрий 1025 санада вафот этган.)

8. Шайх Маҳмуд Тарозий Фарғоний Маданий назм қилган ва «Ан-Назм ул Ҳовий ли Ақийдатит-Таҳовий» деб номлаган (ҳижрий 1412 санада вафот этган.)

9. Ҳамасрлардан Муҳаммад Анвар Бадахшоний мадрасаларнинг бошланғич ва санавий (битирувчи) ўқувчилари учун шарҳ қилган. Аллоҳ бу кишидан қабул қилиб, охиратиға захира қилсин.

Катта шайхлар «ақийдатут-таҳовия» ҳақида

1. Ўз асрининг алломаси, улуғ муҳаддис Саййид Муҳаммад Юсуф Баннурий раҳматуллоҳи алайҳи «Ан-Назм ул Ҳовий ли Ақийдатит Таҳовий»га ёзган тақризларида:

«Имом Таҳовийнинг «Ақийда»си ҳанафий имомларимизнинг ақоидлари бўйича энг собит нарсадир. Ўз асрининг имоми шайхимиз муҳаддис Кашмирий раҳматуллоҳи алайҳи бу китобни ҳанафийлар ақоиди бўйича ёзилган бошқа китоблардан, ҳаттоки имом Абу Ҳанифа имлоси ила Абу Мутийъ Балхий томонидан ёзилган «Фикҳул Акбар»дан ҳам афзал кўрар эдилар», деганлар.

2. Покистоннинг муфтий аъзами, Аллома муфтий Муҳаммад Шафийъ раҳматуллоҳи алайҳи «Ан-Назм ул Ҳовий»га ёзган тақризларида шундай деганлар:

«Илм эгалари учун «Ақийдатут-Таҳовия»нинг қадрлари сир эмас. Бу китобда Аҳли сунна вал жамоанинг ақийдаси, умматнинг устунлари бўлмиш саҳобаи киромлар ва тобеъинлар розияллоҳу анҳум қандай эътиқод қилган бўлсалар, шундай жамланган. Бу китоб ушбу бобда тегишли барча нарсани қисқа ва мухтасар қилиб ўз ичига олган. Ҳар бир толиби илм ёд олишига лойиқ нарсадир».

3. Улуғ адиб ва катта тарихчи устоз Абул Ҳасан Али Ҳасаний Надавий «Ан-Назм ул Ҳовий»га тақриз ёзган бўлиб, унда жумладан шундай деган:

«Имом Таҳовийнинг ақийдаси салафи солиҳларнинг ақийдасини маҳкам тутган уламолар фаҳмлаш, шарҳлаш ва ўқитишга қаттиқ бел боғлашган

матнларнинг энг яхшисидир. Шунинг учун ҳам ҳозирги асрда Саудия Арабистони ва бошқа юртларда ўқув қўлланма сифатида айна шу китоб ихтиёр қилинган».

«Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.